

# Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

[www.itm.uz](http://www.itm.uz)

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# Экономика и финансы

"ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ"

№ 12, 2013

- ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /  
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР /  
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЭКОНОМИКА И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ
- ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ /  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ
- МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /  
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ /  
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕҲНАТ БОЗОРИ / РЫНОК ТРУДА
- ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ /  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ И КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА

- иқтисодиётнинг мағкурадан холи булиши - прагматик иқтисодий сиёсат; - давлатнинг бosh ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши; - қонун устуворлигини таъминлаш; - кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; - ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазменик билан амалга ошириш

- деидеологизация - pragmatichnost' ekonomicheskoy politiki; - vozlozhenie roli glavnogo reformatora na gosudarstvo; - obespechenie verxovenshestva zakona; - provedenie sil'noy sootsial'noy politiki; - poetapnosti i postopennost' v realizatsii reform

## МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 12, 2013

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ / ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ И КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА

- 2 Эшназаров Т.Ш. Давлат бюджети ғазна ижроси: бюджет маблағларини режалаштириш ва бошқаришнинг асосий йўналишлари

- 7 Бакайбаева А.С. Учет доходов государственного бюджета с использованием казначейских технологий в Республике Узбекистан

### ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР / МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ

- 12 Курпаяниди К.И., Пайгамов Р.Р. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини модернизация қилишнинг Буюк Британия тажрибаси ва Ўзбекистонда ундан фойдаланиш имкониятлари

- 20 Қулматов А.А. Экологик тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси

### МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

- 24 Давлатов С.С. Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигида олий таълим сифатининг таъсирини баҳолаш

- 30 Исмаилов А.Р. Бандликни тартибга солища ижтимоий шерикликнинг аҳамияти

### ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

- 37 Махамбетова У.Р. Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ

- 43 Абдурахимов К. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси асосида энг кўп учрайдиган операциялар корреспонденцияси

### МАҚОЛАЛАРГА АННОТАЦИЯЛАР / АННОТАЦИИ К СТАТЬЯМ / THE SUMMARIES

**Курпаяниди К.И.**

Фарғона политехника институти доценти, и.ф.н.  
**Пайгамов Р.Р.**

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва  
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази катта  
илмий ходим-изланувчи

# КИЧИК ТАДБИРКОРИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБASI ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳукумат олдига инновацияларга, илғор технологияларга асосланган янги жамият қуриш вазифасини қўйган. Юртбошимизнинг таъкидлашларича: «Биз тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўилашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаш учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор. Агар биз фақат бугунги кун билан яшамай, балки эртанги кунимиз ҳамда келажагимиз ҳақида ўйласак, мана шу муҳим масалани, ҳал қилувчи стратегик вазифани эътиборимиздан чиқармаслигимиз зарур»<sup>1</sup>.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ҳозирги жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви кучайиб бораётган, илмий-техник ютуқлар, билимлар жадаллашаётган пайтда ўзгарувчан замонавий шароитларга муфовиқ бўла оладиган иқтисодиётини тубдан янги асосларда қайта қуриш лозимлигини англатади. XXI асрда ҳар қандай давлатнинг тараққиёт

истиқболлари миллий хўжаликнинг барча соҳаларини жадал равишда тубдан янгилаш мақсадларида ўзларида мавжуд интеллектуал капиталдан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида самарали янгиликларни мунтазам жорий этишни йўлга қўя олишлари орқали белгиланади. Мавжуд маълумотларга кўра, фақатгина меҳнат ва бошқарув жараёнларига инновацияларни кенг тарзда жорий этиш ҳисобига Ўзбекистонда ЯИМни тахминан 50–60%га иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2013, 12

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009.

ошириш мумкин<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлиги остида инновацияларга йўналтирилган иқтисодиётнинг институционал асосларини шакллантиришда кичик тадбиркорликка (КТ) алоҳида ўрин ажратилмоқда. Саноатжиҳатдан ривожланган мамлакатларда тадбиркорликкниг ушбу бўғинининг ҳиссасини йирик бизнеснинг ҳиссаси билан таққослайдиган бўлсақ, у бу борада ўзининг ЯИМдаги улущи, банд бўлганларнинг умумий сони, фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий миқдори билан етакчилик қиласди.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-тамойилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очикойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида 2012 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455 сонли фармони қабул қилинди. Қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банк томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда, Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинмаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган «Бизнесни юритиш» ҳисботини шакллантириш методикасига мувофиқ, ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ҳукумат олдига «Бизнесни юритиш»

ҳисботи мезонлари бўйича мамлакат рейтингини ошириш вазифаси қўйилди<sup>2</sup>.

Хусусан, «Бизнесни юритиш-2014» маъруzasи бизнесни юритишга ҳам ёрдам берувчи, ҳам тўқсинглик қилувчи тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш меъёрлари тадқиқ қилинадиган йиллик маърузалар серијасининг ўнинчиси ҳисобланади. Маърузада тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш меъёрларини ва эгалик ҳуқуқларининг ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар тақдим этилган. Бу кўрсаткичлардан 189 мамлакат бўйича бизнес юритиш шартларини таққослашда фойдаланиш мумкин.

«Бизнесни юритиш-2014» маърузасидаги маълумотлар 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра келтирилган. Кўрсаткичлардан иқтисодий натижаларни таҳлил қилишда фойдаланилади, улар тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш соҳасида қайси вилоят ва мамлакатларда қандай ислоҳотлар самарали бўлгани ва сабаблари ҳақида холоса чиқаришга имкон яратади.

Дунё бўйича 114 мамлакатда тартибга солиш тизимида доир 238 та ислоҳот ўтказилди, натижада эса «Бизнесни юритиш» маърузаси билан ўлчанадиган тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитлар анча енгиллашди. Мазкур натижада ўтган йили амалга оширилган ислоҳотлардан 18%га кўпdir.

Хитой, Ҳиндистон ва Ўзбекистон муайян вақт давомида сезиларли натижаларга эришишга муваффақ бўла олган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Ҳозирда Ўзбекистон бу рейтингда 146-уринни эгаллаб турибди. Таҳлил этилаётган вақт давомида мамлакатимизда «Бизнесни юритиш» тадқиқотида баҳоланаётган бўйналишдаги тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган тартибга солиш тизими бўйича 4 та йирик ислоҳот амалга оширилди. Маърузага мувофиқ, Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш (21-урин, +66 позиция), қурилиш учун

<sup>2</sup> О мераҳ по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству. Указ Президента Республики Узбекистан от 18 июля 2012 г., № УП-4455. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., №29, -с. 328; 2013 г., № 36, -с. 477.

<sup>1</sup> Абдуллаев А.М., Курпаяниди К.И. Роль инновационной составляющей в предпринимательстве. // Экономическое возрождение России. 2012. Т. 2.

рухсат олиш (59-ўрин, +1 позиция), мулкларни рўйхатдан ўтказиш (136-ўрин, +6 позиция), кредитлаш (130-ўрин, +24 позиция) ва халқаро савдо (189-ўрин, ўзгаришлар йўқ) каби мезонлар бўйича рейтингда эгаллаб турган ўрнини маълум қадар яхшилашга эришиди. Бироқ шуни ҳам айтиш жоизки, электр таъминоти тизимига уланиш (173-ўрин, -4), солиқ тизими (168-ўрин, -3) ва инвесторларни ҳимоя қилиш (138, -1) соҳаларида эса позицияларнинг пасайиш ҳолати қайд этилди<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти учун шартшароитларнинг қулийлик даражаси бўйича мамлакатлар рейтинги ичida 10 та мамлакатда бизнесни юритиш учун энг қулай шароитлар яратилган бўлиб, бу мамлакатлар қуидагилардир: Сингапур; САР Гонконг, Хитой; Янги Зеландия; АҚШ; Дания; Малайзия; Корея Республикаси; Грузия; Норвегия; Буюк Британия; Австралия. Сингапур саккиз йилдан бери бу борада дунё бўйича энг юқори рейтингни узлуксиз равишда эгаллаб келмоқда.

2008 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда Буюк Британияда корхоналарга маъмурий босимни камайтириш бўйича дастур амалга оширилган бўлиб, натижада давлат идоралари томонидан берилган маълумотларга кўра, амалдаги меъёр ва талабларга риоя этиш билан боғлиқ корхоналарга тушадиган юк 25%га пасайган. Корхоналар учун пул кўринишидаги тежамкорлик 3,5 миллиард GBP<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Биз, Буюк Британияда кичик тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантириш тизимининг тадрижий ривожланиши, бизнес-муҳит сифатини оширишнинг институционал шартшароитлари ва воситаларини ҳамда уларни Ўзбекистон миллий иқтисодиётига мослаштириш имкониятларини ўрганиб чиқиб, қуидаги хulosаларга келдик: 2012 йилнинг бошида Буюк Британияда фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сонида КТнинг улуси 99,6%ни, ЯИМда эса 50,2%ни, умумий банд бўлганлар сонида 53,9%ни ташкил этган<sup>3</sup>. Ўзбекистон хусусида тўхталадиган

<sup>1</sup> Doing Business 2014. Understanding Regulations for Small and Medium-Size Enterprises. – Washington, 2014.

<sup>2</sup> Буюк Британия пул бирлиги (фунт-стерлинг).

<sup>3</sup> Совершенствование государственной системы поддержки МП в Великобритании в 2000–2013 гг. Источник: <http://www.giaz.ru>

бўлсақ, ушбу кўрсаткичлар бўйича 2012 йилдаги мониторинг 2000 йилга нисбатан кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуси 31% дан 54,6%га, бу соҳада банд бўлганларнинг сони эса мазкур даврда 2 маротаба ўсганини ва унинг улусига иқтисодиёт тармоқларидағи бандларнинг 75,7%и тўғри келишини кўрсатди<sup>4</sup>.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Буюк Британияда КТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишлари XX асрнинг 70-йилларидан фаоллашган бўлиб, унда ҳукумат тадбиркорликнинг ушбу бўғинини рағбатлантиришни кучайтириш ва миллий иқтисодиётда унинг ижтимоий-иқтисодий ролини оширишни устувор вазифа қилиб қўйган. Кичик тадбиркорликка нисбатан давлат сиёсатидаги бундай туб ўзгаришлар жаҳон энергетика инқизози натижасида саноат ишлаб чиқаришининг кескин тушиб кетиши, ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли тадбиркорлик фаоллигининг пасайиши билан боғлиқ бўлган.

Буюк Британияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантиришнинг мазкур босқичидаги энг муҳим ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар қаторида қуидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:

- КТ манфаатларини таъминлашда Савдо ва саноат вазирилигига алоҳида ваколатлар тақдим этиш;
- ҳар бир бошқарма ва департаментда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш стратегик дастурларини амалга оширишни назорат қилиш ва баҳолаш учун масъулларни тайинлаш;
- давлат буюртмаларининг кичик корхоналарга топшириладиган улушкини ошириш;
- ўқувва маслаҳатмарказларитармоқларини ривожлантириш;
- КТни қўллаб-қувватлаш дастурларининг молиялаштирилишини кенгайтириш<sup>5</sup>.

Бироқ 1990-йилларнинг ўрталариға келиб, Буюк Британиянинг халқаро бозорлардаги ва Европа Иттифоқидаги рақобатбардошлиги жиддий тарзда пасайди. Буюк Британия ҳукумати томонидан бир қатор ташкилий-

<sup>4</sup> Социально-экономическое развитие Республики Узбекистан в 2012 году. – Т.: Госкомстат, 2013.

<sup>5</sup> Business Link – UK government's online resource for businesses. URL: <http://www.businesslink.gov.uk/bdotg/action/home>.

хуқуқий чора-тадбирлар қабул қилиндики, улар ўз навбатида, мамлакатни 2001 йилга келиб кичик тадбиркорлик учун қулай шартшароитларни яратиш бўйича ривожланган 60 мамлакат ичидаги 2-ўринга кўтарилишига имкон берди. Бундай чора-тадбирлар орасида 2000 йил апрелда миллий даражада КТни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун масъул маҳсус ҳукумат органи – Кичик бизнес хизмати – The Small Business Service (SBS)нинг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мазкур тузилма агентлик ҳуқуқида Савдо ва саноат вазирлиги – Department of Trade and Industry (DTI) таркибида кирган ва Вазирлар маҳкамасининг барча департаментлари билан биргаликда иш олиб боради. Ҳукумат томонидан SBSга қўйидаги вазифалар юклитган:

- КТ соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- ҳукуматда кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш;
- кичик тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича барча ваколатли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- расмиятчилик тўсиқларини камайтириш;
- КТни қўллаб-қувватлаш дастурлари санарадорлигини баҳолаш.

SBSнинг вужудга келиши Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнес сектори стратегик бошқарувининг марказлаштирилиши кучайтирилганидан далолат беради. КТни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини модернизация қилиш доирасида 2000 йил майда Кичик бизнес кенгаши – The Small Business Council (SBC) ташкил этилган бўлиб, у 20 аъзоданиборат бўлган доимий фаолият кўрсатувчи ижтимоий орган ҳисобланади. Кичик бизнес кенгаши SBC КТ муаммолари бўйича SBS директорига эркин маслаҳатлар бериш билан шуғулланади, шунингдек, КТ бўйича ҳукумат сиёсатининг санарадорлиги тўғрисида саноат ва савдо масалалари бўйича давлат котибиға ҳисобот беради. Кенгаш аъзоларининг катта қисми бизнес юритиш бўйича улкан тажрибага эга бўлган фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳисобланади. Кенгаш йиғилиши ҳар икки ойда бир марта ўтказилади. Кенгаш бир нечта ишчи гурухларни ва тадбиркорлик

фаолиятининг энг муҳим муаммолари бўйича уларнинг иш мавзуларини шакллантиради<sup>1</sup>.

SBC мустақил орган бўлгани ҳолда, SBS ва КТни рағбатлантириш дастурларини амалга оширувчи бошқа ҳукумат тузилмалари фаолиятини эркин танқид қила олади. Бу кенгашнинг муҳим хусусияти унинг бутун мамлакат бўйича КТ манфаатларини ҳимоя қила олиш имкониятига эга лигидир. Бунга эса КТни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини минтақавий жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш давомида уюшган маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш орқали эришилади. Бу кенгашнинг интернет-сайти тадбиркорларга SBCга ўз савол ва таклифларини тезкор равишида жўнатиш учун кенг имкониятлар очади. SBC ўз фаолияти ва тавсиялари тўғрисида Буюк Британия ҳокимияти органдарига жўнатадиган йиллик ҳисботларини мунтазам нашр этиб боради.

Буюк Британияда кичик ва ўрта тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўрт асосий йўналиш бўйича олиб борилади:

- солиқقا тортишни оптималлаштириш;
- қонуний ва расмий ҳужжатларни экспертиза қилиш йўли билан маъмурий тўсиқларни камайтириш;
- молиявий ресурсларга эга бўлишни яхши йўлга қўйиш;
- консалтинг ва юридик хизматлар кўрсатиш.

Солиқقا тортиш тартиби тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг умумэътироф этилган, нисбатан самарали воситаси бўлиб ҳисобланади. Буюк Британияда бир қатор солиқлар бўйича солиқ солишининг қўйи чегаралари кичик ва ўрта корхоналарни бу тоифадан тўлиқ чиқариб ташлаш ёки уларга максимал имтиёзли шартлар бериш даражасида белгиланади. Масалан, ҚҚС (қўшимча қиймат солиғи) айланма маблағи 80 минг GBPдан юқори бўлган корхоналардан олинади, бунда бутун йил учун бир марталик ҚҚС тўловига йўл қўйилади. Фойдадан олинадиган солиқ фойдаси 500 минг GBP дан ошмаган корхона учун

<sup>1</sup> Совершенствование государственной системы поддержки МП в Великобритании в 2000–2013 гг. Источник: <http://www.giaz.ru>.

24%ни ташкил этади<sup>1</sup>. Шунингдек, кичик корхоналар учун инвестициялар билан боғлиқ айланмада бўлмаган (ноайланма) активлар бўйича солиқ солинадиган сумма учун ҳам чегирмалар мавжуд. Масалан, солиқ имтиёзлари қуидаги ҳолатларда тақдим этилади:

- венчур капитал фонdlарини инвестициялашда;

- кичик корхоналар учун бизнес-кўчмас мулклар қурилишига маблағлар сарфланганда;

- янги иш ўринлари яратоётган корхоналарга, бу айниқса турғунлик ҳолатидаги ҳудудларни ривожлантириш ва иқтисодиётни умумий соғломлаштириш учун жуда муҳимdir;

- маҳаллий шароитларга ва устуворликларга боғлиқ равишда кичик корхоналар учун давлат ижтимоий суғурта фонdlарига бадалларнинг нисбатан паст ставкалари белгиланган;

- кичик корхоналар учун кўчмас мулк солиғининг янги тизимиға ўтиш даврида.

Бундан ташқари, SBS томонидан қонун талабларига мувофиқ келиш учун кичик корхоналар харажатларини камайтиришни таъминлаб берадиган бир қатор низомлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қаторида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ўз кучи билан ишлайдиган (ёлланма ишчилардан фойдаланмаган ҳолда) тадбиркорларни солиққа тортиш қоидаларини соддлаштириш;

- айланма маблағи 500 минг GBP дан кам бўлган корхоналарни бир қатор аудит талабларини бажаришдан озод қилиш;

- кичик корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг янги соддлаштирилган шаклларини жорий этиш.

1995–96 йилларда кичик корхоналарга маслаҳат хизматлари тақдим этиш янги тармоқ – Business Link зиммасига юқлатилди. Мазкур тармоқ, асосан, давлат бюджети томонидан молиялаштирилди ва маҳаллий савдо-саноат палаталари, тадбиркорлик бўйича кенгашлар ва иш берувчиларнинг ман-

фаатларини ифода этувчи бошқа органлар томонидан назорат қилинади<sup>2</sup>.

Business Link – бу тадбиркорларга бизнес юритишида барча ташкилий-иқтисодий ва хуқуқий масалалар бўйича масалаҳатлар бериш бўйича ягона ахборот марказидир. Business Link тармоғи кичик корхоналарга уч поғонада ёрдам кўрсатади<sup>3</sup>:

1-поғона. Бепул телефон орқали маслаҳат хизмати қонунлар, бозорлар (маҳаллий, минтақавий ва халқаро), маҳсулотлар ва таъминотчилар тўғрисида маълумотларга тўғридан-тўғри эга бўлиш хизматини таъминлайди.

2-поғона. Ривожланаётган кичик корхоналарга бизнес юритиши масалалари бўйича хусусий маслаҳатчилар штати томонидан индивидуал ёрдам кўрсатиш. Ҳар бир маслаҳатчи кичик корхоналар гуруҳи билан ишлайди, уларга самарали ривожланишлари ва ўз рақобатбардошликларини оширишда ёрдам кўрсатади.

3-поғона. Кичик корхоналарга маҳсус хизматлар тақдим этиш:

- корхонани комплекс диагностика қилиш ва маслаҳат ёрдами;

- инновацион технологиялар ва маҳсулотларни жорий этиш бўйича маслаҳатлар;

- экспортни ривожланиш маслаҳатчилари тармоғи орқали ташқи бозорларга чиқишига ёрдам кўрсатиш;

- энди иш бошлаётган ва фаолият кўрсатаётган кичик ва микрокорхоналарга техник ёрдам кўрсатиш;

- корхоналарнинг таъминотчилар тармоғига чиқишини таъминлаб бериш.

Давлат томонидан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадларида DTI ва SBS агентлиги томонидан 2004 йилда «Хукуматнинг кичик бизнес бўйича хатти-ҳаракатлари режаси» – A Government Action Plan for Small Business (GAPSB) ишлаб чиқилди. 2005 йилдан бошлаб минтақаларда КТни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси фаолиятининг асосий мувофиқлаштирувчилари бўлиб Минтақавий

<sup>1</sup> Business Link – UK government's online resource for businesses. URL: <http://www.businesslink.gov.uk/bdotg/action/home>.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

тарақиёт агентликлари – RDA ҳисобланади (хозирда уларнинг сони 9 та).

Бироқ бу қабул қилинган чора-тадбирлар етарли бўлмади. Мехнат унумдорлиги жуда секин ўсили, ЯИМнинг ўсишидаги силжишлар ва мамлакатнинг жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлигининг ўсиши сезилмас даражада эди. Буларнинг барчаси кўп жиҳатдан иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг юқори даражадаги расмиятчилиги билан боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, КТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини пасайтириб юборарди. Буюк Британияда, экспертиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш учун кичик бизнес харажатлари ҳар йили 8,2 млрд. GBPни ташкил этган<sup>1</sup>.

2007 йилда DTI вазирлиги томонидан идораларо «The Business Support Simplification Programme» (BSSP) (Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини соддалаштириш дастури) ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади КТни рағбатлантириш давлат тизимини тубдан соддалаштириш ва бир вақтнинг ўзида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган эди. BSSP дастурининг бош мақсади КТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича талаб энг катта бўлган, юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларни таъминлаб бера оладиган дастурлар учун бюджет маблағларини чекланган миқдорларда тўплаб беришдан иборат бўлган. BSSP дастури доирасида КТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўйидаги муҳим йўналишлар аниқлаб олинди:

1. «Ишибилармонлик алоқалари» (BL) ҳукумат агентлигига давлат бюджетидан молиялаштириладиган КТни қўллаб-қувватлаш бўйича энг муҳим дастурларни амалга ошириш юзасидан устувор ҳуқуқлар бериш, уларни зарур ахборотлар, диагностик ва воситачилик хизматлари мажмую билан таъминлаш, бу хизматларни бошқа тузилмалар томонидан тақрорланишини бартараф этиш.

2. КТни қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини мувофиқлаштириш ва уларни

ижтимоий-иқтисодий баҳолаш мақсадларида «The Strategic Management Board» – SMB (Стратегик бошқарув кенгаши)ни таъсис этиш.

3. Тадбиркорларга давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги дастурлари доирасида ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини соддалаштириш, маъмурий тўсиқларни минималлаштириш. Стратегик бошқарув кенгашининг (SMB) ташкил этилишига КТни қўллаб-қувватлаш тузилмаларини бюджетдан молиялаштириш соҳасидаги жорий ҳолатни баҳолаш сифатини кўтариш зарурати сабаб бўлди. SMB – бу коллегиал (бамаслаҳат) орған бўлиб, унинг таркибига миллий даражада КТни қўллаб-қувватлаш тизимини молиялаштириш билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари вакиллари; минтақавий тарақиёт агентликлари (RDA) ва маҳаллий маъмурият кирган. Шундай экан, SMB кенгаши ёрдамида умуммиллий даражада қабул қилинадиган стратегик қарорлар минтақавий ва муниципал бошқарув даражасида трансляция қилинади. Бунда бошқарувнинг турили поғоналари ўртасида тезкор алмашинув алоқаси таъминланади. Бу эса минтақаларда КТни ривожлантиришнинг хусусиятларига мувофиқ ҳолда стратегик қарорларни ўз вақтида тузатишга имкон беради.

2007 йил июль ойида КТни давлат томонидан рағбатлантириш тизими самарадорлигини баҳолаш мақсадида «The Economics of Business Support group» – EBS (Бизнесни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий самарадорлиги) махсус гурӯҳи тузилди. EBS BSSP дастурини амалга ошириш доирасида КТни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва махсулотлар сифатини таъминлаш бўйича асосий талабларни ишлаб чиқди, улар қаторида:

- давлат аралашувини талаб этувчи объексларни аниқ идентификациялаш;
- давлатнинг турили ёрдам дастурлари ва тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- давлат аралашувининг муқобил вариантиларини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Буюк Британияда КТни рағбатлантириш бўйича давлат тизимини такомиллаштириша 2007 йил июнда Савдо ва саноат вазирлиги – DTI ни «The Department for Business, Enterprise and Regulatory Reform» – BERR (Тадбиркорлик,

<sup>1</sup> Impact Assessment of the Business Support Simplification Programme (BSSP). 2007. URL: <http://www.bis.gov.uk/files/file42813.pdf>.

саноат ва бошқарув ислоҳотлари вазирлиги) қилиб қайта ташкил этилиши мухим босқич бўлди. Шунингдек, 2007 йилда «Кичик бизнес хизмати» (Small Business Service – SBS) давлат агентлиги «Тадбиркорлик директорати» (Enterprise Directorate – ED) деб ўзгаририлди. BSSP дастурларини амалга ошириш ҳамда КТни рағбатлантириш давлат сиёсатини яна-да такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари Тадбиркорлик директорати зиммасига юклатилди. 2009 йил июнь ойида BERR вазирлиги «The Department for Business, Innovation and Skills» – BIS (Бизнес, инновациялар ва касбий тайёргарлик вазирлиги) этиб қайта ташкил қилинди.

BSSP дастурини амалга ошириш бўйича асосий харажатлар тахминан 10 млн. GBP миқдорида баҳоланди. Шу жумладан, ҳар йили «Стратегик бошқарув кенгаши» фаолиятни таъминлаш учун 360 минг GBP; BLda ишлаш учун жалб этиладиган маслаҳатчиларни ўқитиш ва амалий иш тажрибасини ошириш учун бир марталик харажатлар 2,6 млн. GBP, шунингдек, штатдаги ходимлар ва операцион харажатлар учун 6 млн. GBP сарфланади<sup>1</sup>.

BSSP дастурининг амалга оширилиши на-тижасида КТ сектори ҳар йили тахминан 1,4 млрд. GBP иқтисодий фойдаолади. «Иқтисодий фаолиятни тартиба солишини соддалаштириш» дастури маъмурий тўсиқларни енгиш билан боғлиқ харажатларни 25%га камайтиришга, КТ субъектларига эса ҳар йили 1 млрд. GBP тежаб қолишга имкон берди<sup>2</sup>.

Қуйида Буюк Британия ва Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимларининг принципиал фарқларини кўриб чиқамиз. Ҳозирги вақтда бизнинг давлатимизда кичик тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш ишлари билан Иқтисодиёт вазирлиги таркибидаги қатор тузилмалар ҳамда яна 5 та вазирлик ва идоралар шуғулланмоқда. Яъни КТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг марказлашган стра-

тегик бошқарувини амалга оширувчи SBS га ўхшаш ягона орган мавжуд эмас.

2011 йил Ўзбекистонда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Шу даврда мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов томонидан қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини фаол амалга ошириш ишлари давом эттирилди<sup>3</sup>. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш республика даржасида – Иқтисодиёт вазирлиги; вилоят ва муниципал даражада – вилоят ва туманлар маҳаллий маъмурияти (ҳокимиётлари) даржасида амалга оширилади. Шундай қилиб, ўз иш сифатларини дастур ишлаб чиқувчилар (ижрочилар)нинг ўзлари баҳолайдилар. Эслатиб ўтамиз, КТни қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича вазифалар Буюк Британияда «Стратегик бошқарув кенгаши» (SMB) зиммасига юклатилган.

Буюк Британияда КТни рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши тартиба солишини камайтиришдан иборат. 2011 йилда Давлат дастурининг амалга оширила бошланиши билан маъмурий ислоҳотлар доирасида тартиба солувчи таъсирни чеклаш (TCTC) бўйича вазифалар Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги ва прокуратура органлари зиммасига юклатилди. Тартиба солувчи таъсирни баҳолаш – бу шундай тадбирки, бунда ортиқча маъмурий тўсиқларни келтириб чиқарувчи, КТ субъектларида асосланмаган харажатларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш мақсадида Президент қонунлари, меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари, идоравий ҳужжатлар юқорида қайд этилган тузилмаларнинг мутахассислари томонидан таҳлил этилади. Бизнинг фикримизча, юқорида айтиб

<sup>1</sup> Business Link – UK government's online resource for businesses. URL: <http://www.businesslink.gov.uk/bdotg/action/home>

<sup>2</sup> Enterprise & Business Support. URL: <http://www.bis.gov.uk/policies/enterprise-and-business-support>

<sup>3</sup> О Государственной Программе «Год малого бизнеса и частного предпринимательства». Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2011 г., № ПП-1474 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г., № 6, с. 47.

ўтилган муассасалар ҳукуматнинг таркибий бўлинмалари бўлса-да, КТнинг институционал муҳитини шакллантирувчи ҳукуматнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тартибга солувчи таъсир даражасини, унинг иқтисодий манфаатларини тўлақонли эътиборга олган ҳолда, ҳаққоний баҳолаб бера олмайдилар. КТ секторига тартибга солувчи таъсирни чеклаш бўйича маҳсус, фақат Ўзбекистон Президентига ҳисобгар нодавлат органини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, Буюк Британия тажрибаси таҳлили КТ секторининг стратегик бошқа-

рувини марказлаштириш, КТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларини баҳолаш институтини шакллантириш, кичик тадбиркорлик соҳасини тартибга солишни камайтиришнинг зарур эканини кўрсатмоқда. Мазкур тажрибани Ўзбекистон иқтисодиётига мувофиқлаштириш нафақат кичик бизнесни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш ва КТ бизнес-муҳити сифатини яхшилашга, балки модернизация қилиш стратегиясининг кенг кўламли вазифаларини амалга оширишга ҳам ёрдам беради.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009.
2. Абдуллаев А.М., Курпаяниди К.И. Роль инновационной составляющей в предпринимательстве. // Экономическое возрождение России. 2012. Т. 2.
3. О мерах по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и представлению большей свободы предпринимательству. Указ Президента Республики Узбекистан от 18 июля 2012 г., № УП-4455. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 29, –с. 328; 2013 г., № 36, –с. 477.
4. Doing Business 2014. Understanding Regulations for Small and Medium-Size Enterprises. – Washington, 2014.
5. Совершенствование государственной системы поддержки МП в Великобритании в 2000–2013 гг. Источник: <http://www.giaz.ru>.
6. Социально-экономическое развитие Республики Узбекистан в 2012 году. – Т.: Госкомстат, 2013.
7. Business Link – UK government's online resource for businesses. URL: <http://www.businesslink.gov.uk/bdotg/action/home>.
8. Impact Assessment of the Business Support Simplification Programme (BSSP), 2007. URL: <http://www.bis.gov.uk/files/file42813.pdf>.
9. Enterprise & Business Support. URL: <http://www.bis.gov.uk/policies/enterprise-and-business-support>.
10. О Государственной Программе «Год малого бизнеса и частного предпринимательства». Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2011 г., № ПП-1474 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г., №6, –с. 47.

## **КУРПАЯНИДИ К.И., ПАЙГАМОВ Р.Р. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Мақолада Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни (КБХТ) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг тадрижий ривожланиши тадқиқ қилинган. Бунда кичик тадбиркорлик соҳасига давлатнинг аралашувини камайтириш дастурини тизимли таҳлил қилишга, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, КБХТни стратегик бошқаришни марказлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари самарадорлигини баҳолаш институтларини ташкил этиш, КБХТ секторини тартибга солишни камайтириш бўйича Буюк Британия тажрибасини Ўзбекистонга мувофиқлаштириш зарурияти асослаб берилган.

Таянч иборалар: кичик тадбиркорлик, давлат аралашуви, стратегик бошқаришни марказлаштириш, тартибга солишни камайтириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, самарадорликни баҳолаш.

## **КУРПАЯНИДИ К.И., ПАЙГАМОВ Р.Р. ОПЫТ ВЕЛИКОБРИТАНИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ВОЗМОЖНОСТЬ ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье проводится исследование эволюции системы государственной поддержки малого предпринимательства в Великобритании. Особое внимание уделяется системному анализу государственной программы deregulation of small business areas program's analysis, оценке ее социально-экономической эффективности. Обосновывается необходимость адаптации опыта Великобритании по централизации стратегического управления малым предпринимательством, созданию института оценки эффективности государственных программ поддержки малого бизнеса, deregulation of small business sector in Uzbekistan.

Ключевые слова: малое предпринимательство, государственное регулирование, централизация стратегического управления, deregulation of small business sector in Uzbekistan.

## **KURPAYANIDI K.I., PAYGAMOV R.R. EXPERIENCE OF BRITISH GOVERNMENT FOR SMALL BUSINESS ADVANTAGES SUPPORT'S MODERNIZATION AND THAT'S USE IN UZBEKISTAN**

In the article is considered evolution of the system of state support of small business in the United Kingdom. Particular attention is paid to the state system of deregulation of small business areas program's analysis, the evaluation of the process socio-economic efficiency. The notion is necessity of adapting the experience of Great Britain's centralization of the strategic management of small businesses, creation of the evaluation institute of the government's program effectiveness small businesses support - in deregulation of small business sector in Uzbekistan.

Keywords: small business, government regulation, centralization of strategic management, deregulation, government support, performance evaluation.

Keywords: Government budget, cash execution of government budget, cash planning and funds management, cash plan, budget funds administration tools, liquidity, investment.

**2014**

**БИЗНИНГ НАШРИМИЗГА ОБУНА БҮЛИНГ**

## **ИҚТИСОДЧИЛАР, МОЛИЯЧИЛАР, ҒАЗНАЧИЛАР, БУХГАЛТЕРЛАР, СУҒУРТАЧИЛАР, БАНКИРЛАР ВА АУДИТОРЛАР ЖУРНАЛИ**



### **Журнал рукнлари:**

- Иқтисодий назария ва макроиқтисодиёт;
- Иқтисодиётни модернизациялаш;
- Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар;
- Иқтисодиётнинг реал сектори;
- Меҳнат бозори ва ижтимоий муҳофаза;
- Минтақавий иқтисодиёт;
- Банклар ва молия бозорлари;
- Давлат бюджети ва ғазнаник тизими;
- Солиқ сиёсати;
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- Бошқарув ва маркетинг;
- Миллий ҳисоблар тизими, эконометрика ва статистика;
- Ахборот технологиялар иқтисодиёти.

Ўзбек ва рус тилларида мунтазам равишда чоп этилади

### **Рубрики журнала:**

Экономическая теория и макроэкономика;  
Модернизация экономики;  
Мировая экономика и международные экономические отношения;  
Реальный сектор экономики;  
Рынок труда и социальная защита;  
Региональная экономика;  
Банки и финансовые рынки;  
Государственный бюджет и казначейская система;  
Налоговая политика;  
Бухгалтерский учет и аудит;  
Управление и маркетинг;  
Система национальных счетов, эконометрика и статистика;  
Экономика информационных технологий.

### **ҚУЙИДАГИ АГЕНТЛИКЛАР ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ**

"Obuna servis", "Matbuot tarqatuvchi", "Inter Press",  
"BTL-Arzi Media", "Kaleon", "INFORM РОСТА" МЧЖ,  
"Матбуот даврий нашрлар" МЧЖ ва б.

Обуна индекси: - 1170

#### **ТАҲРИРИЯТ манзили:**

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-даҳа, 34/14

**Маълумотлар учун талефон:**  
(+998 71) 277-80-87

**E-mail:** iqtisodvamoliya@itm.uz

